

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида:*

*УДК: 6П2.15.7:657.5(575.1)*

**ИСМОИЛОВ ШУХРАТ УРОЛОВИЧ**

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ  
ШАРОИТИДА ТАШКИЛОТДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ  
(Миробод тумани Халқ таълими бўлими мисолида)**

5А230107 – «Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари»

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**т.ф.д., профессор Г.К. Ишанходжаев**

**Тошкент-2018**

## Аннотация

Диссертация ишида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш шароитида ташкилотда бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш жараёнини тадқиқ этиш масалалари кўриб чиқилади. Бухгалтерия ҳисоботларини шакллантиришни ягона марказлашган ахборот тизимининг асосий тамойиллари келтирилган, ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини шакллантиришни ахборот тизимининг асосий масалалари ва уларни ечиш йўллари, усуллари келтирилган. Бухгалтерия ҳисоботларини шакллантиришнинг ягона марказлашган ахборот тизимини яратиш концепцияси таклиф қилинган ва ягона марказлашган ахборот тизимини яратишда фойдаланиладиган усуллари, моделлари ва янги тармоқ технологиялар баён қилинган. Ишда бухгалтерия ҳисоботларини шакллантиришни ахборот тизимининг тузилиши ва архитектураси, ҳамда маълумотлар базасининг мантикий ва жисмоний моделлари келтирилган.


## Annotation

The thesis examines the implementation of accounting reporting in the organization in the context of the application of information and communication technologies. The main principles of the formation of a single centralized information system of accounting reporting are presented, the main tasks of the information system of accounting reporting are revealed and the ways and methods for their solution are presented. The concept of creating a single centralized information system of accounting reporting is proposed and principles, methods, models and modern network technologies of its functioning are presented. The paper presents the structure and architecture of a single centralized information system for accounting reporting, as well as the logistic and physical models of the database.


Магистрлик диссертация иши «Иқтисодиётда ахборот технологиялари» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

6 - сонли баённома « 15 » Май 2018 й.


Илмий раҳбар: *проф. Ишанходжаев Г.К.*

  
(ИМЗО) 15.06.18  
(сана)

Такризчи: *Хўжақулов Б.А.*

  
(ИМЗО) 15.06.18  
(сана)

Талаба: *Исмоилов Ш.У.*

  
(ИМЗО) 15.06.18  
(сана)

## Мундарижа

Кириш.....	4
1-боб. Миробод тумани халқ таълими бўлимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш муаммолари.....	11
1.1. Миробод тумани халқ таълими бўлимининг ташкилий тузилмаси, вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва иш фаолиятини ташкил этиш.....	11
1.2. Миробод тумани халқ таълими бўлимида бухгалтерия ҳисоботларини ташкил этишнинг усуллари.....	22
1.3. Миробод тумани халқ таълими бўлимида мавжуд ахборот-коммуникация технологияларини таснифи ва фойдаланишдаги муаммолари.....	31
Боб бўйича хулоса.....	35
2-боб. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботларини юритиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари.....	36
2.1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботларини юритиш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини тутган ўрни.....	36
2.2. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоботларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этиш.....	46
2.3. Бюджет ташкилотларида миллий дастурларимиз ёрдамида бухгалтерия ҳисоботларини юритиш.....	52
Боб бўйича хулоса.....	69
3-боб. Миробод тумани халқ таълими бўлимида бухгалтерия ҳисоботларини шакллантиришнинг ягона марказлашган ахборот тизими..	70
3.1. Миробод тумани халқ таълими бўлими ягона марказлашган ахборот тизимини яратиш концепцияси ва асосий тамойиллари.....	70
3.2. Миробод тумани халқ таълими бўлими ягона марказлашган ахборот тизимининг тузилиши ва архитектураси.....	74
3.3. Миробод тумани халқ таълими бўлими ягона марказлашган ахборот тизимини яратишнинг лойиҳалаш жараёнлари.....	77
Боб бўйича хулоса.....	116
Хулоса ва таклифлар.....	117
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	120
Иловалар.....	126

## Кириш

### Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Жаҳонда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларида молиявий оқимларни бошқаришнинг янги шаклларида фойдаланиш зарурати юзага келди. Давлат бюджети ва бошқарув даражалари бюджетлар ижроси таъминланиши, давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш назоратини кучайтириш, маблағларни ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун йўналтиришда янги иқтисодий тузилмаларни ташкил этиш, бюджетларнинг барча даражаларида ижтимоий ҳимояланган моддаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молияланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги «Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3673-сонли Қарорларида келтирилган, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларини самарали интеграциялашуви ва ўзаро алоқасини таъминлаш, ахборотларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш мақсадида яратилган ягона миллий ахборот тизимига боғланишни амалга оширишда<sup>1</sup>, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5346 сонли Фармонларида баён қилинган, давлат ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш<sup>2</sup>, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 18 апрел. ПҚ-3673-сон// [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 19 февраль. ПФ-5346-сон // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)